



Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
профессор
филология фанлари доктори
Самарқанд давлат чет тиллар институти
mholbekov@mail.ru

ЕВРОПА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ АНЪАНАЛАРИ

Мақолада европадаги таржима анъаналари хусусида сўз юритилади. Антик даврдаги таржима қилиш тажрибалари ҳамда дпстлабки таржимонларнинг фаолияти хақида маълумотлар берилади.

В статье идет речь о переводческой традиции в Европе. Также в статье освещается практика перевода в античный период и даётся информация о деятельности первых переводчиков.

This article deals with the translation traditions in Europe. The article also highlights the practice of translation in the ancient period and given information about the activities of the first translators.

Калит сўзлар: таржима анъаналари, таржима амалиёти, антик давр, илк таржимонлар, европоцентризм.

Ключевые слова: переводческая традиция, практика перевода, античный период, первые переводчики, европоцентризм.

Key words: translation traditions, the practice of translation, the ancient period, the first translators, Eurocentrism.

Европа таржима мактаблари анъаналарини тадқиқ қилар эканмиз, биз ҳозирги замон таржимашунослигининг шаклланиш жараёнини қадим замонлардан бошлаб, бугунги кунгача бўлган тараққиёт босқичларини аниқлашга ҳаракат қилмоғимиз лозим бўлади.

Ушбу мақолани ёзишдан асосий вазифа нафақат замонлар қарида қолиб кетган мавзуга доир фикрларни топиб оммалаштириш, балки бадий таржима амалиёти ва назарияси моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам бериш,

бу орқали ҳозирги замон таржимашунослиги муаммоларини атрофлича таҳлили қилиш, уларни ечимини топишнинг турлича усул ва йўлларини тадқиқ қилиш, турлича миллий адабиётларга, турли тил тизимларига, лингвостилистик ўзига хосликларга боғлиқ бўлган бадиий асарлар таржимасининг айрим муаммоларини янгича ёндашувлар асосида ёритишдир.

Бундай тарихий экскурسدан мақсад тарихни ўрганиш учун эмас, уни замонавий нуқтаи назардан талқин қилиш, айти пайтда таржиманинг ўз тарихи ва назарияси мавжудлигини инкор қилаётган, қадимий сўз санъати ҳисобланмиш бу назария ўтган даврлардан буён қарийб ўзгармай келаётганлигини таъкидлаётган айрим тадқиқотлардаги ёндашувларни рад қилишдир.

Таржима назарияси тарихига бағишланган тадқиқот яратиш жараёнида кўйидаги методологик ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бадиий таржима тарихи ва назарияси¹ ўзининг барча мураккабликлари ва ҳар бир мамлакатнинг миллий ва тарихий ўзига хосликлари билан турли-туман бўлиб туюлсада, у айти пайтда инсониятнинг бадиий ривожланишини ўзида акс эттирувчи эркин бадиий (яъни оригинал) ижод тури ва уни ўрганувчи фан тармоғи ҳамдир. Бу ўз навбатида тилларнинг умумий ривожланиши, турлича аниқ тилларни тадқиқ қилувчи тилшунослик ва бошқа фанларнинг ривожланиш жараёни билан ҳам узвий боғлиқдир. Бадиий таржима тарихи ва назариясини ўрганиш жараёнида муаммонинг ва таржима методларининг ривожланиши, уларни назарий аниқланиши бўш жойларда эмас, жамият ва тил, бадиий ижод ва улар боғлиқ бўлган фанлар тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда узоқ давом этган анъаналар ва тарихий янгиликлар асосида шаклланган. Бу жараёнда таржима амалиёти ижодий тафаккур каби (бу соҳа билан барча одамлар шуғулланмасалар ҳам) ҳеч қачон тўхтаб қолмаганлигини таъкидлаш жоиз. Маданиятнинг барча жабҳаларида ҳар доим ўтмиш рудимент (ўз аҳамиятини йўқотган) ларини ва келажак фермент (ривожланиш) ларини, яъни жонли табиат ривожидида аниқ ўз ифодасини топган ҳодисаларни кузатиш мумкин. Назаримизда бундай ёндашув бизни қандайдир даражада бой ва турғунлашган европача таржима анъаналари ҳисобланмиш европоцентризмга йўғрилган схематизм (содаллаштириш; бир схемага солиш) ва модернизация (замонавийлаштириш) таъсиридан қутқаради. Бу, биринчидан, таржима амалиёти ва назариясига доир тадқиқотлар ҳеч жойда ва ҳеч қачон бунчалик кўп амалга оширилмаганлиги билан боғлиқдир. Шу ўринда Европа мамлакатларида турлича қиёсий тадқиқотларга доир мавзу ва материалларнинг кўплигини ҳам ҳисобга олмоқ

жоиз. Иккинчидан, айнан Европада таржима назариясига доир баҳслар, таржима амалиётига доир ким ўзарлик мусобақалари жуда кўп уюштирилиб келинганлигини ҳам эътибордан четга қолдирмаслик керак. Дарвоқе, европа тилларининг биридан иккинчисига бадиий таржима амалиётининг турлича имкониятлари синаб кўрилди ва бу жараён ҳамон давом этиб келаётганлигини, дунёнинг бошқа тилларидан ҳинд-европа тилларига таржима, ҳинд-европа тилларидан генеологик (пайдо бўлиш; келиб чиқиши жиҳатдан) тил оиласининг бошқа тилларига таржима қилиш ҳам интенсив ривожланиб келаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Яна шуниси эътиборга моликки, айнан Европада таржима билан у ёки бу даражада фан, санъат ва маданиятнинг буюк намоёндалари ҳам шуғулланишган. Тўғри, бу ўринда ўзларининг варварлар устидан устунликларини намоён қилган юнонларни истесно сифатида келтириш мумкин. Уларнинг фикрича варварларнинг ўзлари юнон тилига ҳурмат ила қарашсин ва уни ўрганишга мойиллик сезсин деган ғоя ётган. Дарвоқе бу анъана Александр Македонский ҳукмронлиги давригача давом этган. Македонский даврида эса унинг ҳарбий юришлари Ўрта ер денгизи ҳовзасида эллинизмнинг кучайишига олиб келди. Орадан икки аср ўтгач, Грецияни ҳам ўз тасарруфига ўтказган жанговор Рим ҳам қадим юнон тили ва маданияти асирига айланди. Қўлимизда қадим юнонлар маданияти ва адабиётининг дастлаб таржима орқали ривожланганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, умумий таржима амалиёти юқорида таъкидлаганимиздек, барча янги миллатлар адабиёти ва маданиятининг равнақи учун катта таъсир кўрсатди.

Тилларнинг ва тиллараро мулоқотнинг равноқ топиши ҳам ўз навбатида таржима назариясининг ривожланишига туртки бўладиган асосий омиллардан биридир. Дастлаб, тиллар ўзларининг лингвостатистик ва лингвистик хусусиятлари билан ўзаро фарқланишлари сабабли таржима жараёнида катта қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлди. Иккинчидан, ўз навбатида таржима ҳам тобора такомиллаша борди ва бу: а) сўз ва тушунчага доир ҳамма халқлар учун умумий бўлган тафаккурнинг ривожланиши туфайли юз берди ва бу тилларнинг мантикий тушуниш функциясини кенгайтишига олиб келди; б) оригинал адабиётнинг ривожланиши юксак даражадаги адабиётнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди; в) таржима амалиётини тушунтириш ва таржимонга ёрдам кўрсатиш зарурати туфайли таржима назарияси тобора адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқа гуманитар фанлар қўлга киритган ютуқлардан ҳам фойдалана бошлади. Охир оқибат, назария гоҳо амалиётдан бирмунча узоқлашиб кетган ҳолатлар юзага келдики, назария ҳам амалиёт ҳам узоқ вақтлар ўз ҳолича мавжуд бўлган

бўлсада, гоҳо улар ўзаро узвий боғланган ҳолда, назария амалиётга тадбиқ қилинган кўйда ривожланган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин, аммо бундай ҳолат таржима тарихида жуда кам учрайди. Ҳозирга қадар, немис олими А.Нойберт томонидан илгари сурилган қуйидаги фикрлар таржимон ва таржимашунослар олдида ушалмас орзулар тарзида сақланиб келинапти: “Қачонки, таржима амалиёти “таржимоннинг буюк иқтидорига”, “синаш ва хатолар”ига таянилса, назариянинг ортга чекинишига сабаб бўлади, таржима назариясига суянилмай вужудга келган муваффақиятли таржималар кам учрайдиган тасодифий ҳолатлардир. Таржима амалиёти таржима назариясига асосланса ва махсус тайёргарликдан ўтган таржимонлар томонидан амалга оширилса, таржима асарларини нашр қилиниши мануфактура ҳолатидан ишлаб чиқарувчи саноат даражасига кўтарилади”.²

Демак, таржима амалиёти ва таржима назариясини, жумладан бадиий таржима жараёнини аниқ тарихий даврларга бўлиб ўрганиш инсоният маънавий ривожланишининг хронологик босқичларига, кўп асрлик маданиятнинг ривожини босқичларига, шунингдек оламнинг ижтимоий тарихий хронологик босқичларига мос келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, инсоният ёзма адабиёти тарихида таржима амалиёти ва назариясининг қуйидаги тўрт босқичи аниқ кўзга ташланади: 1. Қуллик ва феодализм даврини ўз ичига олувчи қадимий босқич; 2. Капитал жамғарилишининг илк давридан то XVIII аср илмий-техникавий инқилоб даврини ўз ичига олувчи босқич; 3. XVIII – XIX асрларни ўз ичига олувчи босқич; 4. XX ва XXI асрларни ўз ичига олувчи босқич.

ИЗОҲ ВА МАНБАЛАР

1. Бадиий адабиётга мансуб бўлмаган матнлар таржимаси таржима назарияси тарихида унчалик кўп жойни эгалламайди: қадимий дунёда бу тур таржималар шумерлар, ассир-вавилон, хетт ва мисрликларнинг эраиздан олдинги учинчи, иккинчи, биринчи минг йилликлардаги бахсга доир ўзаро муносабатларида ва антик дунё маданиятида учрайди. Ўрта асрларда бундай антик донишмандлик араблар томонидан таржима қилиниб ўзлаштирилди. Таржиманинг бу тури Уйғониш даврида, классицизм адабиётида ва айниқса Маърифат даврида анча кенг қўлланила бошлади. Фақат XX асрга келибгина инсоният томонидан ўзлаштирилган илмий-техникавий инқилобнинг глобаллашуви натижасида таржиманинг бу тури муҳим аҳамият касб эта бошлади.
2. Neubert A/ in: *Freemdsprachen*. II, 1968, s.v. s.172